

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раисининг  
биринчи ўринбосари



У.М. Мустафоев

2015 йил «27» май

D8-43-0212 -сон

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«Туронбанк» акциядорлик  
тижорат банки томонидан  
Кенгаши раиси ўринбосари

О.Олимжонов



2015 йил «13» апрел

K-43 -сон

## «ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНинг ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ЧИҚАРИШ, СҮНДИРИШ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШ ШАРТЛАРИ 7-ЧИҚАРИЛИШ

Мазкур Шартлар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида ишлаб чиқилган бўлиб, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг депозит сертификатларини чиқариш, сўндириш ва муомалада бўлишини тартибга солади.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги матнда «банку») депозит сертификати (кейинги матнда «сертификат») - банкка қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сакловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда белгиланган фоизларни банк ёки унинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан сўнг олиш хукукини тасдиқловчи ноэмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз хисобланади.

1.2. Сертификатлар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

1.3. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида кўллаш мумкин эмас.

1.4. Депозит сертификатларининг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

1.5. Сертификатларнинг киймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

1.6. Сертификатлар 182 кундан 1095 кунгача бўлган муддатга чиқарилади.

## **II. СЕРТИФИКАТ БЛАНКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

2.1. Сертификат бланкаларида куйидаги мазмундаги мажбурий реквизитлар бўлиши лозим:

- а) «депозит сертификати» номи;
- б) сертификат рақами ва серияси;
- в) депозит қўйилган сана;
- г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
- д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
- е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
- ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
- з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
- и) банкнинг номи, жойлашган манзили;
- к) депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;
- л) банк томонидан сертификатни имзолаш ҳуқуки берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдикланган имзолари.

Сертификат бланкининг матнида юкорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири кўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

2.2. Сертификатда талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш (цессия) сертификат бланкасининг орка томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун кўшимча вараклар талаб этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сакловчисининг талаби билан сертификатни муомалага чиқарувчи банк томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари ракамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳуқуки берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдикланади.

2.3. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари, шу жумладан талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш

хамда сертификат йўқотилганда сертификат бўйича хукукларни қайта тиклаш тартиби ажс эттирилади.

2.4. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерида) тўлдирилади.

2.5. Сертификат билан расмийлаштирилган депозит микдори ракамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Сертификатнинг ракамда ёзилган кийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек сўзда ёзилган кийматидан кейин колган бўш жойлар икки параллел чизик тортиш йўли билан тўлдириб кўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда ракамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳакиқий хисобланади.

2.6. Сертификатни беришда банк сертификат корешогидаги барча реквизитларни тўлдиради. Сертификат корешоги сертификат эгаси ёки унинг конун хужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахси томонидан имзоланади, сертификатдан ажратилади ва банкда сакланади.

2.7. Омонатчининг (сертификат сакловчининг) вакили депозит сертификатини олиш учун ишончномага эга бўлиши лозим, ишончнома сертификат корешоги билан бирга сакланади.

2.8. Банк томонидан сертификатни тўлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл кўйилмайди.

2.9. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

2.10. Депозит сертификати бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча вараклар (иловалар) «Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси томонидан тайёрланади. Сертификатта қўшимча вараклар (илвалар) сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

2.11. Сертификат бланкалари "Кимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ тайёрланади.

### **III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Сертификатдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкин.

3.2. Депозит сертификати бўйича талаб қилиб олиш хукуки фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

3.3. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш хукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бундай сертификатнинг орка томонида ёки қўшимча варакларда (илвалар) ўз хукуқини бераётган (цедент) ва ушбу хукукни сотиб олаётган шахснинг (цессионарий) икки томонлама битими билан расмийлаштирилади.

Депозит сертификати бўйича талаб қилиб олиш хукуқидан воз кечиш ҳакидаги битим ҳар бир томондан шу каби битимларни амалга ошириш учун юридик шахс

томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари билан тасдиқланади.

Воз кечиши тўғрисидаги ҳар бир шартнома цедент томонидан ракамланади.

Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

3.4. Сертификатлар олди-сотди, хадя килиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

Сертификат эгаси бевосита банкдан ёки бошқа банклардан кредит ажратилишида сертификатлардан гаров таъминоти сифатида фойдаланишга хақли.

3.5. Сертификатлар кўйидаги миқдор ва ҳажмларда чиқарилади:

Қиймати	Сони	Ҳажми
50.000.000 (Эллик миллион) сўм	20 (Йигирма) дона	1 000.000.000 (Бир миллиард) сўм
100.000.000 (Бир юз миллион) сўм	20 (Йигирма) дона	2.000.000.000 (Икки миллиард) сўм
500.000.000 (Беш юз миллион) сўм	10 (Ўн) дона	5.000.000.000 (Беш миллиард) сўм
1.000.000.000 (Бир миллиард) сўм	2 (Икки) дона	2.000.000.000 (Икки миллиард) сўм
<b>Жами:</b>	<b>52 (Эллик икки) дона</b>	<b>10.000.000.000 (Ўн миллиард) сўм</b>

3.6. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

Цессия амалга оширилгандан кейин, сертификатни сотиб олган шахс "Цессионарий" (банк томонидан сертификат бўйича тўланадиган фоизларни тўлаш учун ўз хисоб варагини кўрсатган ҳолда) банкка 3 (уч) банк иш куни давомида хабардор килиши шарт.

3.7. Депозит сертификати цессиясини расмийлаштиришда йўл кўйилган хатолар тузатилганда у тузатиш киритилган сана кўрсатилган ҳолда "тузатилди" ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда цедент ва цессионарий томонидан имзоланиши ва муҳрланиши шарт.

3.8. Талаб қилиб олиш ҳукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида (цессияда) сертификат корешогига ўзгартиришлар киритilmайди.

3.9. Сертификатнинг муомала муддати тугаганда сертификат эгаси (сакловчиси)нинг аризасига мувоғик унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобварагига сертификат суммаси ва унга тегишли фоизлар тўлаб берилади.

3.10. Сертификат сакловчилари томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда уларни талаб қилиш ҳукуки бошқа шахс фойдасига воз кечилганилиги ҳакида ёзувлар мавжуд бўлса, бунда банк сертификатнинг бошқа шахс

фойдасига воз кечишига доир шартномаларнинг (цессияларнинг) узлуксизлигини, шунингдек сертификат сакловчисининг охирги шартнома (цессия)даги номи, мухри (юридик шахслар учун) ва ваколатли шахслари имзоларининг сертификатни тўлаб беришни сўраб ёзилган аризадаги номи, мухри (юридик шахслар учун) ва имзоларига мөслигини текшириб кўради.

Аризадаги ваколатли шахслар имзолари сертификатдаги охирги цессияни имзолаган шахслар имзоларига мос келмаган тақдирда, сертификат сакловчиси конунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этиши талаб этилади. Бунда ушбу ишончнома банк томонидан тўлаб берилган сертификатта қўшиб тикиб қўйилади.

Сертификатларга доир шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **IV. СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ**

4.1. Сертификатлар куйидаги муддатларга ва фоизларда чиқарилади.

Муомала муддати	Йиллик фоиз ставкаси
182 кун	7 (етти) фоиз
365 кун	8 (саккиз) фоиз
547 кун	9 (тўккиз) фоиз
730 кун	10 (үн) фоиз
912 кун	11 (үн бир) фоиз
1095 кун	12 (үн икки) фоиз

4.2. Сертификат бўйича фоизларни ҳисоблаш «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

4.3. Сертификатлар бўйича фоизлар ҳар ойнинг 2 санасидан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичida тузилган омонатчи-юридик шахслар рўйхати бўйича омонатчиларнинг тегишли ҳисобварагига ўtkазиб бериш орқали амалга оширилади.

4.4. Сертификат бўйича олинаётган даромадни соликка тортиш амалдаги конунчилик хужжатлари асосида амалга оширилади.

4.5. Банк сертификатни бериш вактида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзгартиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳакли эмас.

4.6. Сертификатни бериш вактида белгиланган ва мўомала муддати тутаганидан сўнг (сертификат эгаси сертификат бўйича депозитини талаб қилиб олиш хуқукини кўлга киритганда) сертификат эгасига тўланиши лозим бўлган фоизлар мазкур сертификат сотиб олинган вактдан қатъи назар, 5 (Беш) банк иш куни ичida банк томонидан тўланади.

4.7. Банк чиқарилиш шартларида сертификатларни муддатидан олдин түловга тақдим этиш имкониятини назарда тутиши мумкин.

4.8. Сертификат сакловчиси сертификатни муддати тугагунга кадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб килиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳакикатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қўйидаги шартларда қайта хисобланади:

№	Муомала муддати	Даромад миқдори (йиллик)	
		Белгиланган муддатда	Белгиланган сўнидириш муддатидан аввал тақдим этилганда
1	182 кун	7 (егти) %	181 кун ичида 4,0 %.
2	365 кун	8 (саккиз) %	181 кун ичида 4,0 %; 182 – 364 кун оралиғида 7,0 %.
3	547 кун	9 (тўккиз) %	181 кун ичида 4,0 %; 182 – 365 кун оралиғида 7,0 %; 366 – 546 кун оралиғида 8,0 %.
4	730 кун	10 (ўн) %	181 кун ичида 4,0 %; 182 – 365 кун оралиғида 7,0 %; 366 – 546 кун оралиғида 8,0 %; 547 – 729 кун оралиғида 9,0 %.
5	912 кун	11 (ўн бир) %	181 кун ичида 4,0 %; 182 – 365 кун оралиғида 7,0 %; 366 – 546 кун оралиғида 8,0 %; 547 – 729 кун оралиғида 9,0 %; 730 – 911 кун оралиғида 10,0 %.
6	1095 кун	12 (ўн икки) %	181 кун ичида 4,0 %; 182 – 365 кун оралиғида 7,0 %; 366 – 546 кун оралиғида 8,0 %; 547 – 729 кун оралиғида 9,0 %; 730 – 911 кун оралиғида 10,0 %; 912 – 1094 кун оралиғида 11,0 %.

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари ва қайта хисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоизлар миқдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси хисобидан ушлаб қолинади.

4.9. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга қабул қилинганида, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фоизлар тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.

4.10. Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати сертификат сакловчиси томонидан ўтказиб юборилган бўлса, у холда банк сертификатда белгиланган депозит суммаси ва хисобланган фоизларни сертификат эгасининг талабига кўра тўлашга

мажбурдир. Сертификат суммасини талаб қилиш кунидан ҳақиқатда сертификатни тўлов учун тақдим этиш кунигача бўлган муддат учун фоизлар, талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

4.11. Депозит сертификатни сўндириш муддати банкнинг айби билан кечикирилган бўлса, у ҳолда сертификат бўйича сертификатнинг сўндириш муддати кечикирилган кунлар учун ҳам сертификатда белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади ва тўланади.

4.12. Шу билан бирга, унга қўшимча равишда ўтиб кетган кунлар учун ҳар бир кунга сертификат бўйича тўланмаган сумманинг 0,05 фоизи миқдорида пеня тўланади.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Депозит сертификатларининг корешокларини, сертификат бланкаларини ва сертификатларнинг қўшимча ва рақларини (иловаларини) саклаш, шунингдек сертификат бланкаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда сертификатлар билан боғлиқ амалиётлар белгилаган тартибда амалга оширилади.

5.2. Йўқотилган сертификатлар бўйича хукуклар банк томонидан қайта тикланади.

5.3. Сертификат йўқотилганда сертификат сакловчиси унинг дубликатини беришни сўраб банкка ёзма равишда ариза билан мурожаат этишга ҳаклидир.

5.3.1. Сертификат йўқолганлиги аникланганда сертификат сакловчиси бу ҳақда 3 (уч) банк иш куни ичida ариза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Ариза банкка тақдим этилган санадан бошлаб, 3 (уч) иш куни ичida кўриб чиқилади. Ариза банкнинг маҳсус журналида қайд этилади, ушбу журнал ракамланган, тикилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

5.4. Ариза сертификатнинг корешоги билан бирга сакланади. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг қайси бўлими орқали берилганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юридик шахснинг номи кўрсатилади) ва қанча миқдордалиги кўрсатилади.

Ариза ва бошқа зарур хужжатлар банк Бошқаруви ташкил этган маҳсус комиссия томонидан 5 (беш) иш кунидан кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий қарор қабул килинганидан кейин банк 2 (икки) иш куни давомида йўқолган сертификат бўйича тўловларни амалга оширади ёки аризачига сертификат дубликатини беради.

5.5 Сертификатта оид ахборотлар Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига кўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ошкор килинади.

<p>Депозит сертификати корешоги</p> <p>имзои TBDS-YU-007 хамои _____</p> <p>имаси 50 000 000 (ракам билан) Эллик миллион сўм (сўзлар билан)</p> <p>20 ____ й. " ____ (Берилган санаи)</p> <p>сертификат кимга берилгани: юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили)</p> <p>Сертификатни олдим 20 ____ й. " ____ (омонатчининг ёки унинг ваколатли шахсининг имзои)</p>	<p><b>ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ</b></p> <p>серияси TBDS-YU-007 раками _____</p> <p>депозит кўйилган сана 20 ____ й. " ____ сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш санаи: 20 ____ й. " ____</p> <p>Депозит миқдори: <b>50 000 000</b> (Эллик миллион сўм) (сумма рақамлар ва сўзлар билан) фоиз ставкаси: _____ (ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)</p> <p><b>«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки</b> <b>(Тошкент шахар, Абай кўчаси 4а уй)</b></p> <p>_____ (юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили)</p> <p>_____ (сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)</p> <p>миқдоридаги депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувоҳлик беради, шунингдек омонатчига ёки унинг хукукий ворисига* кўрсатилган суммани йилига _____ фоиз хисобидан _____ сўм (сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)</p> <p>сўм миқдоридаги фоизларини кўшиб, жами _____ (сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)</p> <p>кайтариш мажбуриятини олади.</p> <p>Имзолар: _____ (банкнинг мансабдор шахси)</p> <p>_____ (банк бухгалтери)</p>
--	---

М.У.

Депозит  
сертификати  
корешоги  
рекви TBDS-YU-007  
жами

санаси 100 000 000  
(ракам билан)  
Бир юз миллион сўм  
(сўзлар билан)

20 \_\_ й. " \_\_ "  
(бўйилган санаси)

сертификат кимга берилгани:  
юридик шахснинг  
номи ва жойлашган манзили)

Сертификатни олдим  
20 \_\_ й. " \_\_ "

(омонатчининг ёки унинг  
ваколатли  
шахснинг имзоси)

Сертификатлар бўйича хисоблантиларни олдирадир. Сертификат суннасин ташб килини кундан хисоблаган депозит  
бўйилганда олнига омонатчилик бўйича физиклар хисобланадиганда кўзда тутилган тартиблаб ўзига оширадан.  
Сертификатлар бўйича хуқусидан олончаликни Узбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган  
Арбадан бўйича тақдим этилган сертификат сайдорини бу жакем 3 (уч) банкни кунин ичалик ариса тасдим килини орнилих хадорзор килинни ширбу.  
Тикелай ва бўйича мурни билан тасдиқлантирилган сертификатни бу жакем 3 (уч) иш кунин ичалик кўриб чиқсанадан. Ариса банкниң маҳсуз журналаска кўзда тутилган ресмидан ташб  
Булолиганда сертификатлар бўйича олончаликни олдиради. Ариса банкниң маҳсуз журналаска кўзда тутилган ресмидан ташб  
Арбадан бўйича тақдим этилган сайдорини бўйича олончаликни олдиради.

## ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ

серияси TBDS-YU-007

раками \_\_\_\_\_

депозит қўйилган сана 20 \_\_ й. " \_\_ "  
сертификат бўйича депозитни талаб килиб олиш санаси:  
20 \_\_ й. " \_\_ "

Депозит миқдори: 100 000 000 (Бир юз миллион сўм)  
(сумма рақамлар ва сўзлар билан)

фоиз ставкаси:  
(рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки**  
**(Тошкент шаҳар, Абай кўчаси 4а уй)**

(юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили)

(сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

миқдоридаги депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувохлик  
беради, шунингдек омонатчига ёки унинг ҳукукий ворисига\*  
кўрсатилган суммани йилига \_\_\_\_\_ фоиз хисобидан

сўм

(сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
сўм миқдоридаги фоизларини кўшиб, жами

(сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
кайтариш мажбуриятини олади.

Имзолар: \_\_\_\_\_  
(банкнинг мансабдор шахси)

М.У.

(банк бухгалтери)

**Депозит  
сертификати  
корешоги**

номер TBDS-YU-007  
датаси \_\_\_\_\_

микдори: **500 000 000**  
(ракам билан)  
**Беш из миллион сўм**  
(сўзлар билан)

20 \_\_ й. \_\_ " \_\_\_\_\_  
(периоди санаси)

Сертификат кимга берилгани:  
юридик шахснинг  
номи ва жойлашган манзили

Сертификатни олдим

20 \_\_ й. \_\_ " \_\_\_\_\_  
(омонатчининг ёки унинг  
ваколатли  
шахснинг имзоси)

Булолган сертификатлар буюнча олончилик талаб килиш кунинан хисоблаганда депозит  
суммаси олончилик талаб килинганда олончилик талаб килиш кунинан хисоблаганда  
сертификат буюнчаликни олончилик талаб килинганда олончилик талаб килинганда  
Ариза банкни тақдим этинганда сертификат сакланади. Ариза банкни тақдим этинганда, кундан бошталаб, 3 (үч) из куни иччада кўриб чиқолади.  
тиканынга тақдим этинганда сертификат сакланади. Ариза банкни тақдим этинганда, кундан бошталаб, 3 (үч) из куни иччада кўриб чиқолади. Ариза банкни тақдим этинганда, кундан бошталаб, 3 (үч) из куни иччада кўриб чиқолади.

**ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ**

серияси TBDS-YU-007

раками \_\_\_\_\_

депозит кўйилган сана 20 \_\_ й. \_\_ "  
сертификат бўйича депозитни талаб килиб олиш санаси:  
20 \_\_ й. \_\_ "

Депозит микдори: **500 000 000** (Беш из миллион сўм)  
(сумма ракамлар ва сўзлар билан)  
фоиз ставкаси: \_\_\_\_\_  
(ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки**  
**(Тошкент шаҳар, Абай кўчаси 4а уй)**

(юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили)

(сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

микдоридаги депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувоҳлик  
беради, шунингдек омонатчига ёки унинг хукукий ворисига\*  
кўрсатилган суммани йилига \_\_\_\_\_ фоиз хисобидан

сўм

(сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
сўм микдоридаги фоизларини кўшиб, жами \_\_\_\_\_

(сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
кайтариш мажбуриятини олади.

Имзолар:

(банкнинг мансабдор шахси)

М.У.

(банк бухгалтери)

**Депозит  
сертификати  
корешоги**

серияси TBDS-YU-007

номер

номиси 1 000 000 000

(ракам билан)

Бир миллиард сўм  
(сўзлар билан)20 \_\_\_\_ й. " \_\_\_\_  
(кўйилган санаси)

Сертификат кимга берилгани:

юридик шахснинг  
номи ва жойлашган манзили

Сертификатни олдим

20 \_\_\_\_ й. " \_\_\_\_

(омонатчининг ёки унинг  
ваколатли  
шахснинг имзоси)

Сертификатлар бўйини ахобланган зарорий физичи, таъб, колб олингачча омонатни талаб кишини кундан хаккала  
Сертификатлар бўйига хукуклар банк томонидан кайта тикланади  
Артига бўйик тасдиқларни ахобланганда сертификат съомлончлик бўйини тикланади  
тиканган ва бўйик муҳри билан босилаб, 3 (үч) иш куни иччада курб чиқади. Артига бўйикнинг маъсус журналида кайд этилади, унбу журнал ризомланади,  
хукук тартибида кўзотилади. Унду кўзотилади, када мажбуриятини олади.

**ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ**

серияси TBDS-YU-007

раками \_\_\_\_\_

депозит кўйилган сана 20 \_\_\_\_ й. " \_\_\_\_  
сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш санаси:  
20 \_\_\_\_ й. " \_\_\_\_Депозит миқдори: **1 000 000 000** (Бир миллиард сўм)  
(сумма ракамлар ва сўзлар билан)  
фоиз ставкаси:  
(ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки  
(Тошкент шахар, Абай кўчаси 4а уй)**

(юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили)

(сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)

миқдоридаги депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувоҳлик  
беради, шунингдек омонатчига ёки унинг хукуқий ворисига\*  
кўрсатилган суммани йилига \_\_\_\_\_ фоиз хисобидансўм  
(сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
сўм миқдоридаги фоизларини кўшиб, жами \_\_\_\_\_(сумма ракамлар ва сўзлар билан ёзилади)  
кайтариш мажбуриятини олади.

Имзолар:

(банкнинг мансабдор шахси)

М.Ў.

(банк бухгалтери)